Ушбу сонда:
2 ҲОМИЙЛАР
3 «SAODAT» МЕҲМОНИМИЗ
4 КЎҲНА НАСАФНИНГ ЯНГИ ДАРВОЗАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 21 декабр, чоршанба № 202 (2043)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




«Боғот текстил» қўшма корхонаси ташкил этилганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа давр ичида бу ерда катта ҳажмда ип-калава ишлаб чиқарилди. Тайёрланган маҳсулот ички бозорни тўлдириш билан бирга хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Хусусан, ўтган тўққиз ой ичида 1266,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар чет давлатларга жўнатилди. Бунда замонавий технология асосида сифатли ип-калава ишлаб чиқаришга эътибор қаратилганлиги асосий омил бўлмоқда. Ҳозирда «Ритер» фирмасининг 3 та қайта тараш машиналаридан технологик жараёнда фойдаланилмоқда. Энг асосийси, ип-калавадан шу ернинг ўзидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилаяпти. Айни дамда 4 дона трикотаж полотно ва 50 та тикув машинаси ўрнатилиб, ишга туширилди.

**Суратларда: корхонанинг илғор ишчилари.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Республика касаба уюшма ташкилотларида

## КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

***“Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар филиалида 1500 дан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатяпти. Мазкур жамоада раҳбарият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши ҳар ярим йилда муҳокама этиб борилмоқда.***

Шу билан бирга икки томонлама тузилган комиссия аъзолари унинг ҳар бир бандини тўлақонли бажарилишини муттасил назорат этишмоқда. Бундан ташқари, касаба уюшма қўмитаси қошида меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ишлар, меҳнат низоси ҳамда маънавият ва маърифат ишлари бўйича комиссиялар ҳам фаолият кўрсатяпти.

Мазкур жамоада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнаткашлар махсус кийим-бош ҳамда мавсумий пойафзал билан таъминланишган. Меҳнаткашларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Яқинда алоқачиларнинг фарзандлари иштирокида “Болалар кўзида дунё” мавзусида ёш рассомларнинг кўрик-танлови ўтказилди. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланишди.

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

### учун маблағ

***Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши корхона раҳбарлари ва мутасадди шахслар эътиборини жамоа шартномалари орқали меҳнат муҳофазаси ва иш шароитларини яхшилашга қаратмоқда.***

Меҳнаткашларнинг махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши ҳам кенгашнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Касаба уюшма қўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган комиссия аъзолари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ўқувини ташкил этишга ажратилаётган маблағ миқдори кўпайди.

Бу кўрилаётган тадбирлар натижасида тармоқ корхоналарида йилдан-йилга бахтсиз ҳодисалар сони камаймоқда. Ҳар йили “Энг яхши корхона, цех, бригада, касаба уюшма қўмитаси” ва “Меҳнат муҳофазаси вакили” кўрик-танловлари муттасил ўтказиб келинмоқда.

## ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ

### ҳимоя қилинди

***Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ҳолатда уларга ёрдам кўрсатиш, хўжалик юритиш субъектларининг мулкий шаклидан қатъий назар уларда меҳнат қонунчилигига амал қилинишини назорат этиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан биридир.***

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат қонунларининг бузилиши, меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга риоя этмаслик меҳнаткашлар ҳуқуқларининг поймол этилишига ҳамда уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти Узун тумани “Боботоғ” ўрмон хўжалиги раҳбарияти меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузиб, шу хўжалик бўлим бошлиғи М. Холиқов ва уста И. Юзбоевларнинг меҳнат шартномаларини асоссиз равишда бекор қилган. Республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг бевосита аралашуви билан улар иш жойларига тикланишди.

Тармоқда ходимларга етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши масаласида келиб чиққан низолар 59 маротаба суд жараёнида кўриб чиқилди ва фуқаролар манфаати ҳимояланди. Шундан тўрттаси бевосита кенгаш ваколати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳал қилинди.

**Ўз мухбирларимиз**

# ЎЗГАЛАР ТАШВИШИДА

Келажагимиз эгаларини баркамол авлод қилиб тарбиялашда ўқитувчиларнинг хизматлари беқиёс. Мураббийларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда эса касаба уюшмаларининг ҳиссаси катта. Бу борада таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Шаҳрисабз туман кенгаши фаолияти ибратлидир. Айни пайтда ўз атрофига 10 минг 200 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 64 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолият олиб бораяпти.



Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тизимида юз бераётган ислоҳотларни амалга оширишга, жамиятимизда шаклланаётган янги турдаги ишлаб чиқариш муносабатлари, миллий қадриятларимиз, маънавиятимизнинг тикланиши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар касаба уюшмаларининг асосий ишларидан бирига айланган. Соҳани ривожлантиришда тармоқ ходимлари ўз билим ва малакаларини ишга солиб, мамлакатимиздаги таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишларнинг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшаяптилар.

Кенгаш раиси Саъдулла Абдуллаев билан амалга оширилаётган ишлар хусусида ўртоқлашганимизда, бугунги кунда жамиятимизда ўзининг фаол ҳаракати, салоҳияти ва билими билан касаба уюшмаси нуфузини янада ошираётган, касбига садоқатли фаоллар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Хушнида Очилдиева, Сайёра Турдиева, Эсон Тўраев, Фахриддин Расуловлар номини таълим ходимлари ҳурмат билан тилга олишади. Негаки, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда, ҳар жиҳатдан қўллаб-қуватлашда жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг хизматлари беқиёс.

- Туманимиздаги Абдулла Қаҳҳор номли умумий ўрта таълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуманнон Файзиев жамоамиз фахри, - дейди Саъдулла Абдуллаев. - Яқинда ўтказилган кўрик-танловда у раҳбарлик қилаётган жамоа «Энг намунали бошланғич ташкилот» деб эътироф этилиб, вилоят кўрик-танловига йўлланма олди.

Абдуманнон ёшлигидан ўқитувчиликка ҳавас қўйди. 1980 йилда Қори Ниёзий номли ўрта мактабни тугаллаб, Самарқанд Давлат Университетига ҳужжатларини топширди. Олийгоҳда ўқиб юрган кезлариданоқ дўстлик, меҳр-у оқибат, садоқат каби инсонийлик ҳислатларни қадрлади. Шу боис ҳам

*Фаолларимиз*

тенгдошлари уни доимо ҳурмат қилар, ўгитларига қулоқ солар эди.

Айни пайтда илм даргоҳида 1475 нафар ўқувчиларга 91 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия беришади. Мактаб директори Зулфия Эргашеванинг таъкидлашича, ўқитувчиларнинг 12 нафари олий, 17 нафари I, 20 нафари II тоифали мутахассислар. Мактабда ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда, уларни қўллаб-қувватлашда бошланғич ташкилотнинг ҳиссаси катта.

Касаба уюшма етакчиси Абдуманнон Файзиев хонада ўтирганида эшик оҳиста очилиб, ичкарига 8-синф раҳбари Мавлуда Бўриева кириб келди.

— Келинг, марҳамат ўтиринг, - ўқитувчига юзланди раис.

— Синфимиз ўқувчилари бир озгина маблағ тўплашибди. Шуни ижтимоий соҳага йўналтирсак, - дейишаяпти.

— Хайрли ишнинг кечи бўлмайди, - деди раис қувончдан юзлари порлаб ўқитувчига боқаркан. - Яхшиси ҳозир ҳаммамиз биргаликда Китоб шаҳридаги «Гўдаклар уйи»га бориб болажонлар кўнглини олсак, нима дейсиз?

Мактаб директори Зулфия Эргашева ҳам уларнинг бу таклифига розилик билдирди. Шу куни бутун синф қалби ўксик болажонлар ҳузурида бўлиб, тўпланган инсонпарварлик ёрдамлари ҳамда совға-саломларини улашдилар. Бундай саховатпеша ишлар касабақўм раиси фаолияти мисолида талайгина. Яқинда Халқаро ногиронлар куни муносабати билан мактабдаги 19 нафар ногирон ўқувчиларга маъмурият ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитасининг совғалари топширилди. Бундан ташқари бир неча йил мактабда ишлаб, нафақага чиққан ўқитувчилар эътибордан четда қолгани йўқ. Фахрийлар ўтказиладиган турли тадбирларга таклиф этилиб, иззат-икром кўрсатилаяпти.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида иш олиб борилаётган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат Умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони асосида таълим соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Чунончи, ўтган ўқув йилида мактаб биноси қайтадан таъмирланди. Келажагимиз эгалари замонавий, шинам ва ёруғ хоналарга эга бўлган биноларда билим олаяптилар. Таъмирлаш ишида қурилиш ташкилотларидан ташқари ота-оналар ҳамда ҳомийлар 1 миллион сўмга яқин кўмак бердилар.

Соҳада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Кенгаш ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ёшларни бақувват, эпчил, чаққон, соғлом бўлиб камол топишларида баҳоли қудрат меҳнат қилаяптилар. Ҳар йили ўтказилаётган оммавий спорт мусобақасида таълим ходимлари фаол иштирок этиб келаяптилар.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун мактаб маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси бош-қош бўлиб келаётганлиги боис қатор муваффақиятларга эришилаяпти. Замонавий спорт майдончаси мавжуд. Малакали жисмоний тарбия ўқитувчилари болаларга машғулотлар олиб бораяптилар.

**Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири**

# ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Cotton-export» компаниясида трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги линия ишга туширилгач, маҳаллий хотин-қизлардан беш юз нафари иш билан таъминланди.

Саноат корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган ҳукумат дастурига мувофиқ мазкур корхонага 350 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш белгиланган эди. Компания шаҳардаги хароб аҳволга тушиб қолган бадиий буюмлар фабрикасини бутунлай реконструкция қилиб, замонавий тикув дастгоҳларини ўрнатди. Айни кунларда янги тармоқ илк маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади.

Бу ерда тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларига талабгор кўп. Корхона маъмурияти бўш ётган бошқа биноларни ҳам таъмирламоқда. Келгуси йилдан бу ерда иш ўринлари 1200 тага етказилади.

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ЯНГИҚЎРҒОН НЕЪМАТИ

## БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

***Янгиқўрғон туманидаги «Исковат» ширкат хўжалиги Наманган вилоятидаги анча салқин иқлимли ҳудудда жойлашган. Бу ердан туриб атрофга назар ташлагудек бўлсангиз, юксак тоғлар ва адирликларни кўрасиз. Шу боисдан хўжаликда пахтачилик билан бир қаторда боғдорчилик ва сабзавотчилик билан ҳам шуғулланишади.***

– Бизда об-ҳаво шароити вилоятнинг бошқа жойларига қараганда нисбатан салқинроқ. Шунинг учун пахта етиштиришнинг ўзига хос талаблари бор, – дейди хўжалик бошқаруви раиси Усмонхон Нажмиддинов. – Деҳқонларимиз ушбу саноат экинини маҳаллий шароитимизда етиштиришнинг агротехникасини пухта эгаллаб олишган. Натижада ҳар йили мўл хирмон кўтариб келинмоқда.

– Умуман, бу йилги ишлаб чиқариш натижалари билан таништириб ўтсангиз, – сўраймиз суҳбатдошимиздан.

– Юқорида таъкидлаганимдек, пахтачилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бош соҳасига айланиб бормоқда. Масалан, амалдаги йилда топшириқда кўрсатилган 476 тонна ўрнига 505 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Шунингдек, 3608 тонна ғалла, 3000 тонна узум, 1960 тонна мева тайёрлашга эришиб, бу борадаги йиллик топшириқларни ошириб адо этдик. Бу эса даромадимизга барака киритди. Рақамлар тили билан ифодалаганда, олдиндан режалаштирилган 679 миллион ўрнига 700 миллион сўмдан ошириб даромад олишга эришаяпмиз.

– Табиийки, олинган даромад хўжалик аъзолари турмуш фаровонлигини оширишга сарфланаётган бўлса керак?

– Албатта-да! Биринчи навбатда биз ишлаб чиқаришимиз самарасидан қишлоқларимизда турмуш маданиятини юксалтириш, кам таъминланган оилалар, қаровчисиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларида фойдаланяпмиз. Чунончи, якунланаётган йилда қишлоғимизга табиий газ етиб келди. Хонадонларнинг ярмидан кўпига тоза ичимлик суви кириб борган. Мактаблар, боғча ва касалхона хўжалик ҳисобидан таъмирланмоқда. 7,5 миллион сўм маблағ сарфлаб, бир кунда 50 нафар беморга хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктини бунёд этдик.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. Хўжалик меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари ва унинг самараси ўлароқ қўлга киритилаётган мўл-кўл даромад туфайли аҳоли турмуш фаровонлиги ортиб, қишлоқ чирой очмоқда. Бошқача айтганда, 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Исковат тобора шаҳар тусини олмоқда. Ўттизга яқин савдо тармоғи, маиший ва коммунал хизмат кўрсатувчи шохобчалар, нон ва ширинликлар ишлаб чиқарувчи ҳамда мевани қайта ишловчи корхоналар, юзга яқин киши меҳнат қилаётган ғишт заводи ва енгил автомобилларни таъмирлаш тармоқлари, «Деҳқон бозори», шу йилда қуриб битказилган ҳашаматли коллеж биноси кабилар фикримизнинг яққол далилидир.

Хўжалик касаба уюшма қўмитасидан бизга маълумот беришларича хўжалик бошқаруви кейинги вақтда ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътиборни кучайтирмоқда. Ҳар йилнинг бошланишида шу масалага бағишлаб бошқарув ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма йиғилиши ўтказилиб, унда бу борада якунланган йилда амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, навбатда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинади. Жумладан, 2005 йил бошидан буён алоҳида ҳисобга олинган 25 та кўп болали кам таъминланган оилага, 18 нафар ёлғиз қария ва 12 нафар ногиронга мунтазам равишда моддий кўмак кўрсатиб борилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ўн нафарга яқинининг турар-жойлари таъмирлаб берилди. Кўп болали ва кам таъминланган тўрт оилага уй-жойлари учун шифер олиб берилди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири**

# ШИРИН-ШАКАР ШАРБАТЛАР

***Навоий шаҳридаги сут заводининг бўшаб қолган эски биноси қайта таъмирланди. Швециянинг «Swe rus grove ab» компанияси иштирокида бу ерда «Қизилкум саховати» консерва заводи ишга туширилди.***

- 2005 йил корхонамиз учун тажриба-синов йили бўлди, - дейди корхона директори Равшан Жуманиёзов. - Шунга қарамасдан 120 тонна ўрик шарбати ва 50 тонна томат пастасини Россия ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилдик. Қисқа вақтда 73 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олдик. Айни пайтда ширкат, фермер хўжаликлари ва аҳоли билан келгуси йил учун шартномалар тузаяпмиз.

Корхона жамоаси 2006 йилда 20 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда хорижга 3 минг тонна томат пастаси, 2 минг тоннадан зиёд ўрик шарбати экспорт қилишни мўлжаллаяпти. Хомашёни кўпайтириш мақсадида қўшимча 700 гектар экин майдони ижарага олинди. Бу ерда полиз ва сабзавот экинлари етиштирилади.

## ТУҲФА

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги 120 ўринли шифохона қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда 150 миллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Барча қулайликларга эга бўлган мазкур шифохонада замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган туғруқ бўлими, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам, реанимация, интенсив терапия ва бошқа бўлимлар фаолият юритмоқда.

*Бозор талаби қатъий*

# КОРХОНА БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛДИ

***Хўжалик юритиш тамойили таҳлил ва таққосга боғлиқ. Аниқ режа, пухта ҳисоб-китоб, талаб ва таклиф мутаносиблигига эришган корхоналар иқтисоди гуркираяпти. Лекин бир қатор меҳнат жамоаларида бошқарувдаги уқувсизлик боис иқтисодий инқироз илдиз отаяпти. Сирдарё вилоятида ҳам ночор корхоналар оз эмас.***

Ўтган давр мобайнида 38 ҳолатда худди шу масалага оид ишлар кўриб чиқилди. 29 корхона банкрот деб эътироф этилди. Таъкидлаш лозим, иқтисоди пароканда меҳнат жамоаларининг шу кўйга тушишига муайян раҳбар шахсларнинг айби оз эмас. Аввало истиқболсиз, ҳеч кимга наф бера олмаётган ташкилотни сақлаб қолишдан не наф?

Суд амалиётида ариза тушган кундан бошлаб корхона мулкини асраш ва унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш мақсадида кузатув жараёнлари бошланади. Чунки молиявий манбаларни аниқлаш, банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза ҳаққонийлигини таъминлаш биринчи галдаги бурчимиз. Таассуфланарлиси, аксарият ҳолларда иқтисодий ночорликка олиб келган сабаблар изланмаслик, бозорни пухта ўзлаштира билмасликдан келиб чиқаётгани маълум бўлаяпди. Мисолларга мурожаат этсак.

Бундан роппа роса ўн беш йил илгари Оқолтин тумани ҳокими қарори билан 26-сонли қурилиш-монтаж бошқармаси ташкил этилган эди. Дастлабки даврларда ҳудуддаги муайян одамларни иш билан таъминлаб келаётган ташкилот қатор бунёдкорлик ишларида иштирок этди. Кейинчалик бошқарувчининг тез-тез алмашинуви, корхонадаги молиявий интизомнинг бўшашиши авж олди. Оқибатда ҳамкорлар олдидаги нуфуз йўқолди. Ишлар чаппасига кетди. Тўғрида, чориғини судрай олмаётган корхонага ким ҳам ишонч билдирарди. Иш юришмай кейинги икки йил бекорчиликда ўтди. Бу эса корхонанинг тўлов қобилияти издан чиқишига, солиқ ва бир қатор ташкилотлардан катта миқдорда қарздорлик юзага келишига олиб келди. Натижада вилоят прокуратураси 26-ҚМБсини банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига мурожаат билан чиқди. Қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбарининг корхона молиявий хўжалик фаолиятини малакали олиб бормаганлиги туфайли инқирозга учраб банкрот ҳолатига келган. 2005 йил 1 июл ҳолатига корхонанинг жами қарзи 77978,4 минг сўмни ташкил этган. Биргина ходимлар иш ҳақидан қарздорлик 9685,0 минг сўмдан иборат бўлган. Корхона раҳбари М.Галимов жамоага олти ойгина раҳбарлик қилган. Сўнгги пудрат ишлари Оқолтин МТПсини таъмирлашдан иборат бўлган. Тумандаги хусусий фирма корхонадан 15 миллион сўм қарздор. Шу чоққача уни ундириш чораси кўрилмаган. Хуллас ўзибўларчилик, уқувсизлик ташкилотни ўтказиб қўйган.

Пудрат ташкилоти манзили кўздан кечирилганда капитал таъмирга муҳтож маъмурият биноси, носоз автобус, омбор биноси каркаслари-ю темир тўсиқлардан ўзга ҳеч вақо йўқ. Шу боис мазкур корхона тугатилишга маҳкум этилган экан. Суд бу масалага қонуний баҳо берди.

**София НЎЪМОНОВА, Сирдарё вилоят хўжалик суди судьяси**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Япониянинг «Тойота» корпорацияси 2006 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ўн фоизга оширмоқчи. Режага кўра, келаси йил 9,6 миллион дона автомобил чиқарилади. Корпорация бу билан автомобил ишлаб чиқариш борасида дунёда етакчи ўринга чиқиб олишни кўзламоқда.

«Тойота»нинг режаси амалга ошса, АҚШнинг «Женерал моторс» корпорацияси иккинчи ўринга тушади. Бу корпорация ҳозир оғир даврни бошдан кечирмоқда. Маълумотларга кўра, у жорий йилнинг учинчи чорагида 6,1 миллиард доллар зарар кўрган. Сабаби - нафақат жаҳон бозорида, балки АҚШнинг ўзида ҳам осиёликлар ишлаб чиқараётган, нисбатан камроқ бензин ёқадиган автомобилларнинг харидори ортиб бормоқда.

* * *

Кёльн (Германия) маъмурияти ЮНЕСКО талаби билан шаҳар марказида баланд бинолар барпо этиш лойиҳасидан воз кечди. Бу лойиҳага кўра Рейн дарёси бўйида баландлиги юз метр келадиган бино ва бир неча кўп қаватли иморатлар қуриш режалаштирилганди. Аммо улар қад ростлаганида, мамлакатдаги қадимий ёдгорликлардан бири - Кёльн кафедрал ибодатхонасини тўсиб қўйган бўларди.

Шу боис ЮНЕСКО шаҳар маъмуриятидан бу қурилишдан воз кечишни қатъий талаб қилди. Талаб инобатга олинмаганида, мазкур ибодатхона Жаҳон маданий мероси рўйхатидан олиб ташланиши мумкин эди.

* * *

АҚШнинг Флорида штатида кичик йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Хабарларга кўра, самолёт Майами шаҳридан Багам оролларига учаётиб, портлаб кетган ва денгизга қулаган. Унда жами 20 киши, жумладан, уч нафар ёш бола бўлган. Қутқарувчилар ҳозиргача 19 кишининг жасадини топишга муваффақ бўлди.

Майамидаги Федерал қидирув бюроси вакили Жуди Орихуэлнинг айтишича, бу фожиа террорчилик ҳаракати натижасими-йўқми - ҳали аниқ эмас. Воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, қидирув олиб борилмоқда.

**(ЎзА)**

# ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитлари муҳайё этиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор бериляпти.***

Президентимизнинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори фуқаролар соғлиғини сақлашни тубдан яхшилаш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини асраб-авайлаш, тиббий ёрдам сифатини ошириш учун амалий шарт-шароитларни яратиш, қишлоқ врачлик пунктларини шакллантириш, ва биринчи навбатда аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада соғломлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётган Қашқадарёда 2 миллион 414,5 минг нафар киши яшайди. Умумий аҳолининг 75,5 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар талабидан келиб чиқиб, оналик ва болалик, репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилаларни соғломлаштиришнинг сифат даражаси анча яхшиланди. Воҳада 13 та туман, 1 та шаҳар марказий шифохонаси, 27 та участка касалхоналари, 81 та врачлик амбулаториялари, 204 та қишлоқ, 4 та шаҳар врачлик, 351 та фельдшер-акушерлик пунктлари, 898 та даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда ишлаётган 5 минг 262 нафар малакали врач, 23 минг 857 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотларнинг кўрсатаётган амалий ёрдами туфайли тиббий соҳани янги босқичга кўтариш, аҳоли соғлиғини муҳофазалаш борасида бир мунча ютуқларга эришилди. Ўтган беш йил давомида 190 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослашган урология маркази, «Шошилинч тиббий ёрдам» республика илмий марказининг вилоят филиали, «Саломатлик» институтининг Қашқадарё бўлими, ногиронларни реабилитация қилиш маркази ва бошқа тиббий муассасалар ишга туширилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан марказлашган ҳолда ажратилган 473 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан муассасаларга лапараскоп, эндоскоп, ультратовуш, катта жарроҳлик тўпламлари, 17 та «Дамас» машиналари олиб берилди.

Нишон, Косон, Муборак, Китоб, Шаҳрисабз, Деҳқонобод, Чироқчи, Миришкор, Касби туман марказий шифохоналари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Осиё Тараққиёт Банкининг моддий ёрдами билан «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида ҚВПларда ишлайдиган 40 та врач хорижий давлатлар ва мамлакатимиздаги малака ошириш институтларида ўқиб келишди.

Аҳоли ўртасида аниқ ва тўғри гигиеник тарбияни такомиллаштириш, оила тиббий маданияти ва санитария-тозалик ишларини яхшилаш, фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш учун 33 та кўчма гуруҳ ташкил қилиниб, олис қишлоқларга юборилди. Туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, касал деб топилганлари шифохоналарда соғломлаштирилди.

Оналар ва болалар скрининги тизимини такомиллаштириш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш ва 1 ёшгача болаларни патронажлик ва эмлаш ишлари миқёси кенгайди. Илк бор турмуш қураётган 10 мингга яқин йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли маслаҳатлар берилди. Болалар ва ўсмирлар соғлиғи доимий назоратга олинган. 14 ёшгача бўлган 600 мингга яқин ўғил-қиз шифокорлар ҳузурида бўлиб, касал деб топилганлари соғломлаштирилди. Кўрилган тадбирлар туфайли оналар ва болалар ўлимини кескин камайтиришга эришилди.

Маъмурият билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатаётган касаба уюшма қўмитаси ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатини рағбатлантириш, ойлик маошларини вақтида тўлаш, билим ва малакаларини ошириш, дам олишлари учун қулай шароитлар яратиб беришга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Мавжуд муаммоларни вақтида ҳал этиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тиббиёт муассасалари учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми ҳомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек, пулли даволаш ва хизматлардан тушадиган, меҳнатга ҳақ тўлашдан тежалган бюджет маблағлари ҳисобидан Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги биз шифокорларни бениҳоя қувонтириб юборди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўтган йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлар томонидан ўндан ортиқ тиббий пунктлар, 50 дан зиёд спорт-соғломлаштириш иншоотлари бунёд этилди. «Ўзбекнефтгаз холдинг» компанияси томонидан Қаршидаги кардиология ва урология маркази қурилишига 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ ажратилди.

**Ш.ШЕРОВ,**
**Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси**



# ҲОМИЙЛАР

***Табиатан ёки қандайдир сабабларга кўра кўмак ва мададга муҳтож бўлган, ҳаётда омади юришмай турган инсонлар борлигини ҳам унутмаслигимиз, давлат ва жамият эътиборини ана шундай одамларга қаратиб, уларга ёрдам бериш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз зарур.***

*(Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан)*

## КОМИЛОН СПОРТ МАЖМУАСИ

Воҳанинг Комилон қишлоғидан довруқли спортчилар етишиб чиққан. Хусусан, Сайфулла ота Бекмирзаевни кураги ерга тегмаган машҳур полвон сифатида билишади. Иккинчи даражали «Соғлом авлод» ордени билан мукофотланган, қишлоқдаги умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Худойназар Йўлдошевнинг шогирдлари вилоят бўйича ўтказилаётган волейбол мусобақаларида ҳамиша пешқадам.

Қаршилик тадбиркор Ўткир Эркаевнинг «Гулшан» маҳалласида болалар спорт саройини қурганлигини эшитиб, менда ҳам ана шундай ташаббус пайдо бўлди. Ўзим туғилиб вояга етган кўркам масканда янги ана шундай мажмуа қуришга қарор қилдим. Жамғармамдан 100 миллион сўм маблағ ажратиб, уни бунёд этишга киришдим. Яқин кунларда ишга тушириладиган бу иншоот мингдан ортиқ ўсмир йигит-қизларни ўз бағрига олади.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Туманимиздаги «Қашқадарё», А.Навоий ва Ш.Рашидов номли хўжаликларида ҳам ҳомийлар ҳисобидан болалар спорт саройлари қад кўтарди.

**И.РАВШАНОВ,**
**тадбиркор**

## МАЪНАВИЙ МАДАД

### инсонни комилликка етаклайди

Табиати хушҳаво, сўлим Мироқи қўрғонида жойлашган махсус мактаб-интернатда сил касаллигига мойил болалар даволанади. Ўтган даврда бу шифо ва тарбия масканида таълим олаётган 385 нафар боланинг 70 фоизи соғайиб, ўз оиласи бағрига қайтди.

Тоза ҳаво, кўркам табиат манзаралари ва витаминларга бой дармондорилари, шифокорларнинг муолажалари туфайли ўғил-қизларнинг соғлиғи тобора яхшиланмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоасининг беминнат ёрдами билан 15 миллион сўм сарфланиб, 120 ўринли ётоқхона биноси мукаммал таъмирланди. Синфхоналарнинг томи шифр билан ёпиб берилди.

Ҳомийлар ҳимматидан тарбияланувчилар, мураббийлар ва тиббиёт ходимларининг кўнгли нурафшон бўлди.

**У.ХУШВАҚТОВА,**
**Шаҳрисабз туманидаги 1-махсус мактаб-интернат директори**

## ОЛИС ҚИШЛОҚДА ШИФО МАСКАНЛАРИ

Хўжалигимиз ҳудуди кун сайин гўзаллашиб обод бўлиб бораяпти. Аҳолига биринчи тиббий ёрдамни яқинлаштириш мақсадида қурилаётган шифо масканлари қишлоқларимиз чиройига-чирой қўшиб турибди.

Кейинги йилларда Қовчин, Ширкент, Тўрақул қишлоқларида Яхши Омонов номли ширкат хўжалигининг 300 миллион сўмдан зиёд маблағи сарфланиб, 3 та ҚВП бунёд этилди. Янги шифо масканларининг фойдаланишга топширилиши ҳомийларимизни тиббиётни тараққий эттириш ва халқ соғлиғини мустаҳкамлаш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодаси.

Қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши нур-устига аъло нур. Эндиликда ҳамма гап фуқаролар соғлиғини муҳофазалаш учун малакали тиббий ёрдамни ташкил этишда қолган. Бундай шарафли вазифани шифокорларимиз виждонан адо этишаяпти.

Хизмат кўрсатиш маданияти оширилиб, ҳудуддаги 2800 дан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар, 500 га яқин ўсмир қизлар, 3624 нафар 14 ёшгача болалар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу ишларни амалга оширишда болалар ҳакими Йўлдош Пирназаров, акушер-гинеколог Хосият Мейлиева, стоматолог Ўлжа Субонов, терапевт Баҳодир Жўраевларнинг хизмати катта.

Яратиб берилган қулайликлар туфайли беморлар туман марказига бориб юрмасдан, қишлоқ врачлик пунктининг ўзида дардларига даво топишаяпти. Ширин муомалали ҳамширалар Назира Жабборова, Сарвиноз Тоштемирова, Фароғат Чориевалар ҳамиша хизматга ҳозиру нозир. Бундан ташқари, улар жойларда бўлиб, хонадонларнинг санитария аҳволини кўрикдан ўтказишаяпти. Тозалик ва озодалик, оила тиббий маданияти, ўсмир қизлар гигиенаси хусусида суҳбатлар уюштиришмоқда.

**Н.ОТАБОЕВА,**
**Қарши туманидаги Қовчин қишлоқ врачлик маскани шифокори**

***Соғ-саломат бўлиб юришимизда спортнинг аҳамияти беқиёс эканлигини тушуниб етаяпмиз. Оилалар тиббий маданиятини ошириш, муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш соҳасида олиб борилаётган ишлар келажакка ишонч ва умид туйғуларини уйғотади.***

## ФАРЗАНД КАМОЛИ – ВАТАН ЖАМОЛИ

Унитар корхонамизда оммавий спорт тадбирларини мунтазам ўтказиш одат тусига кирган. Бундай мусобақаларнинг ташаббускори касаба уюшма қўмитаси ҳисобланади. Олмалиқ шаҳрида ўтказилган «Она ва бола» кўрик-танловида қизим Абу Али ибн Сино номидаги мактабнинг 4-синф ўқувчиси Ойдин Раҳмонова билан фаол қатнашдик. Шартларни аъло даражада бажариб, совриндорлар сафидан жой олдик.

Республика ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан уюштириб келинаётган «Фарзанд камоли – Ватан жамоли» кўрик-танловида турли вилоятлардан 50 дан ортиқ она-бола жуфтлиги иштирок этганлиги юртимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида жисмоний тарбия, спорт кенг қулоч ёйганлигини кўрсатади.

Маъмурият ва касаба уюшмаси ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида турли хилдаги спорт мусобақаларини ташкил этишга мунтазам ҳомийлик қилиб, ғолибларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бораяпти.

**М.ҲАМДАМОВА,**
**«Мубораканефтгаз» унитар корхонаси етакчи мутахассиси**

***Вилоятнинг катта ҳудудини эгаллаган туманимизда ижтимоий ҳимоя асосий тамойилга айланган. Эзгу амалларни рўёбга чиқаришда ҳомийлар ҳамкор ва ҳамнафас бўлмоқдалар. Қишлоқларимизда умргузаронлик қилаётган ўзгалар парваришига муҳтож 65 нафар қария, 185 та уруш ногиронлари, 41 нафар уруш фахрийлари корхона, ташкилот, муассаса ва тадбиркорларга бириктилган.***

## МАХСУС ҲИСОБ РАҚАМИ ОЧИЛГАЧ

Ижтимоий таъминот бўлимида махсус ҳисоб рақами очилган бўлиб, ҳозирга қадар олиҳиммат жамоалардан 2,8 миллион сўм маблағ келиб тушди. «Чироқчи пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамияти 1,5 миллион сўм пул ўтказиб, ўзининг саховатпешалигини намоён қилди. «Сувлисой», «Чалик» фермер хўжаликлари ҳам ёрдамга муҳтожларни яқиндан қўллаб-қувватладилар. 66 нафар етим болалар ва 59 та кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қишки кийим-кечаклар, 25 та ногиронлик аравачаси тарқатилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими уйида ётиб қолган беморларга 100 минг сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Ижтимоий ҳимоя ҳомийлар ва тадбиркорлар қалбидан яқин жой олганлигини йил бошидан бери 26 минг пенсионер, нафақахўрлар, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга 53 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилганлигидан ҳам билса бўлади.

Яқинда фаолларимиздан бир гуруҳи Ўрол Бозоров номли маҳаллада яшовчи Феруза Боқиева, Бойман Элмуродов номли маҳаллада 3 нафар ногиронни тарбиялаётган Баҳор Жумаева, Толмас Тиллаев номли маҳалладан ногирон болалар бошини силаётган Рўзихол Норқобилова хонадонида бўлиб, оила аъзоларидан кўнгил сўрадилар.

«Меҳнатобод» қишлоғидан Жамол Абдураҳмонов, «Оқчава» ширкат хўжалигидан Қувонч Хуррамов, туман марказидан Маъмур Исмоилов, «Бешчашма» қишлоғидан Шарофат Жумагулова кабиларга ногиронлар аравачаси тарқатилди.

Эзгулик фақат моддий мезонлар билан ўлчанмайди. Кўнгли ўксик кишилардан ҳол-аҳвол сўраш уларнинг қалбини меҳр нури билан чароғон этади. Маънавий мадад инсонни ҳамиша комилликка етаклайди.

2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан кенгайтирилган дастур ишлаб чиқдик. Хайрли ва савоб амаллар, ҳомийларнинг амалга ошираётган олижаноб ишлари қалбларда сақланиб қолади.

**Н.НАЗАРОВ,**
**Чироқчи туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи**



## ЭЗГУЛИК НУРИ

2006 йилни ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши шаҳримиз тадбиркорларини руҳлантириб юборди. Маҳалламизда яшовчи ана шундай ишбилармонлардан бири Шермат Саидов қутлуғ ишга қўл урди.

Қалби саховатга тўла фидойи инсон маҳалладошларимиздан 10 нафар кам таъминланган оиланинг жорий йилдаги газ тўловларидан йиғилиб қолган қарзларини тўлаб беришни зиммасига олди.

Олиҳиммат тадбиркорнинг ташаббусига маҳалламиздаги бошқа мулкдорлар ҳам қўшилишди. Ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр кўрсатиш ва оғирини енгил қилишларига бош қўшаётган ҳимматли кишилар марҳаматидан ҳамма мамнун.

**С.ТОШЕВ,**
**Қарши шаҳридаги Хўжахиёл маҳалла фуқаролар йиғини раиси**



## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Шўртан газ кимё мажмуасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга катта аҳамият берилаяпти. Жаҳон андозалари асосида бунёд этилган ўйингоҳ ва спорт заллари ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишга хизмат қилаяпти.

Корхона ҳомийлигида фаолият кўрсатаётган «Севинч» хотин-қизлар мини футбол жамоаси 2004 йил мавсумида мамлакат чемпионатининг олтин медалини олган эди. Жорий йилда республика кубогини қўлга киритган спортчиларимиз Таиланд пойтахтида ўтказилган биринчи Осиё ўйинларида қитъа олтин медалига сазовор бўлишди.

Спортдаги муваффақиятлар муносиб рағбат топмоқда. Болалар спорт мажмуаси раҳбари Баҳодир Аҳмедов Ватаннинг юксак мукофоти «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Маъмурият томонидан бош мураббий В. Хан ва менга «Матиз» енгил автомобили берилди. Бошқа футболчилар ҳам қимматбаҳо совғалар билан сийланди.

Клубимиз президенти, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Алишер Султонов ва касаба уюшма қўмитасининг доимий ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлаши жамоамизни жаҳон спорт майдонига олиб чиқди. Муваффақиятларни мустаҳкамлаш, халқаро турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш учун маҳоратимизни ошириб бораяпмиз.

**Г.АЪЗАМОВА,**
**«Севинч» хотин-қизлар футбол жамоаси хужумчиси**

## МЕҲР-ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ

***Тинчлик, ҳамкорлик ва меҳр-шавқат рамзи ҳисобланган Қизил Ярим ой жамияти ёлғизлар, ногиронлар, уй-жойсиз қолганлар, кам таъминланган кўп болали оилаларга, ота-онасидан эрта ажралган етимларга беғараз ёрдам кўрсатиб келмоқда.***

Болалар бахтимиз ва келажагимиз. Жамиятимиз ва «Болалар» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда элликдан ортиқ етим-есирларнинг ҳар бирига 45 минг сўмликдан кийим-кечак тарқатилди. 2005 йилда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига 3 миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Саховатли ва беғараз ҳомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсонлар дардига малҳам бўлиб, кўнглини тоғдек юксалтиради. «Косондон» масъулияти чекланган жамияти жамоаси 5 нафар етим боланинг суннат тўйини ўтказганлиги миннатдорлик билан тилга олинди.

Туманда Қизил Ярим ой жамиятининг 71 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Меҳр-шавқат ҳамширалари тўшакда ётиб қолган қарияларнинг уй-рўзғор ишларини бажариш ва даволаш юмушларида фаоллик кўрсатаяптилар.

Хайрли ишларни амалга оширишда ҳимматини аямаётган «Тўлға» фермер хўжалиги бошлиғи Р. Шодмонов, «Эшқулобод» фермер хўжалиги раиси Р. Эшқулов, «Косонсавдо» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳ. Умиров, «Косон ёғ-экстракция» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси раҳбари М. Бозоров, Регзор, Ровот, Сарипул, Й. Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ёрдами катта бўлаяпти.

Саховатпеша, меҳри дарё ҳомийларнинг мурувватлари қалбларга ёруғлик бағишламоқда.

**П.ҚУРБОНОВ,**
**Қизил Ярим ой жамияти Косон туман кенгашининг раиси**

## ҲОКИСОР ИНСОНЛАР

***Халқимизда «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин» деган ҳикматли нақл бор. Ҳамшаҳарларимиз орасида ҳеч кимга овоза ва ошкора қилмасдан болалар уйларига, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексалардан мурувватини аямаётган кишилар кўп.***

Очиқ акциядорлик жамияти аъзолари ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган ҳиммати баланд инсонлар томонидан кам таъминланган оилалар, етим-есирлар ва ногиронларга 5 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳарнинг Хўжахиёл, Чармгар, Боғишамол маҳаллаларида яшовчи ногиронлар, 33-махсус мактаб ўқувчилари ҳузурига Гулбаҳор Баратова, Манзура Ҳасанова, Бўритош Шокирова сингари тадбиркорлар тез-тез бориб турадилар.

— Ҳомийларнинг ҳар галги келиши кўнглимга бир олам қувонч бағишлайди, — дейди Чармгар маҳалласининг Ҳамроқул Мамедов номли кўчасида яшовчи I гуруҳ ногирони Юсуф Қозоқов. — Қалби дарё, меҳри дунё инсонлардан умрбод миннатдорман.

Сахийларнинг иши ҳам бароридан келади. Тижорат бозорида тадбиркорлик билан шуғулланаётган мулкдорлар фаолияти ривож топиб, савдо-сотиқдан олинаётган фойда кўпайиб бормоқда.

**О.МУСАЕВА,**
**Қарши «Буюм бозори» очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти раиси**



## БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

***Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Шу боис келажагимиз эгалари болалар тўғрисида ғамхўрлик ҳар бир кишининг қалбидан чуқур жой олган.***

Саховатпеша инсонлар Қарши шаҳридаги «Мурувват уйи»да тез-тез бўлиб, бу ерда тарбияланаётган кичкинтойлар ҳолидан хабар олиб туришади. Хусусан, нишонлик фермер Маматқул Оролов тарбияланувчилар учун дастурхон тузаб, катта дошқозонда ош дамлади. Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси, «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти жамоалари ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяптилар.

Ҳомийларнинг ҳиммати ва ғамхўрлиги тарбияланувчиларга олам-олам қувонч бағишлади.

**В.ШУКУРОВ,**
**Қарши шаҳридаги «Мурувват уйи» директори**

**Саҳифани «Ишонч» мухбири Иззат Ҳикмат тайёрлади**



# «SAODAT» МЕҲМОНИМИЗ

Донишмандлар "Аёл ўтган кўчада кўкламнинг ҳиди қолади" деб бежиз айтишмаган. Албатта, бу таъриф аёлнинг фақат гўзаллиги, латофати учун нисбат беролмайди. Аёл оёғи етган ерда ҳаёт гуллайди, яратувчилик меҳнати жўш уради, озодалик, покизалик, саранжом- саришталик ҳукм суради, орасталик ва бокиралик қарор топади. Азиз аёлларимиздаги ана шу гўзал хислатларни тарбиялашда "Саодат"нинг улкан ҳиссаси бор.

Ўзбекистон хотин-қизларининг севимли нашри бўлган "Саодат" 80 йиллик тарихий йўлни босиб ўтди. Журнал кўклам қалдирғочидек илк марта 1925 йилнинг декабрида "Янги йўл" номи билан миллат аёллари қалбига кириб келган эди. Ўтган даврда у қайси номда чоп этилмасин, умумбашарий ва миллий қадриятларни ўлмас тарғиботчиси сифатида хотин-қизларни маънавий уйғоқликка, юксак маърифатга, ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этишга даъват этди. "Саодат" миллионлаб мухлислар қалбида садоқат, иймон-эътиқод чироғини ёқди. У ҳамиша миллий ва умуминсоний қадриятлар сарчашмаси, илғор тажрибалар тарғиботчиси бўлиб келди. Шунинг баробарида ҳаётда учраб турадиган камчилик ва маънавий қусурларни ҳам меҳрибон онадек андиша, айни пайтда донишмандона мулоҳаза тарзида саҳифаларида ёритди, маънавий баркамоллик йўлларидан сабоқ берди.

"Саодат"ни муболағасиз аёл қалбининг кўзгуси десак арзийди. У нафақат хотин-қизлар, ҳаммамиз учун севимли, юракка яқин. Ҳар бир хонадон учун қадрдон дўст, сирдош ҳамда доно маслаҳатчидир. У гоҳ донишманд Ростонбуви, гоҳ зукко Зийракхон бўлиб қиз-жувонларимизга одоб-ахлоқдан сабоқ беради. Муҳаббат ошён қурган қалбларга сирдош бўлади. Журнал қаҳрамонлари- қуёш қалбли деҳқон аёллар, беморга шифо улашаётган шифокору ҳамширалар, юраги, тилаги яхшиликка, зиёга йўғрилган устоз-муаллимлар, замон билан ҳамқадам одимлаётган тадбиркору ишбилармонлар, орзулари юлдузлар билан бўйлашган талаба қизлар, қўйингки, элим, юртим, уйим-жойим дея йўллари гўзалликка тўла эзгулик маъбудалари, халқимиз қалб тўрида турган опа-сингилларимиздир.

Айни кунда мамлакатимизда "Саодат" журналининг 80 йиллиги нишонланмоқда. Муборак айём муносабати билан "Саодат" бугун таҳририятимиз меҳмони. Қуйида севимли журналимизнинг сўнгги сонларида чоп этилган мақолалар билан танишасиз.

# АЁЛ ҚАЛБИНИНГ КЎЗГУСИ

***Бир қараганда бир йилда саккиз марта журнал чиқариш осонга ўхшайди.***

***Аслида журнал бизнинг гўзал ижодимиз, фарзандимиз, ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб қолган.***



«Саодат» Ўзбекистон хотин-қизларининг жуда катта ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини акс эттирувчи нашрдир. Ана шу сабабли ҳам биз бугунги давримиз қаҳрамонларини, моддий-маънавий бойлик яратаётган опа-сингилларимизнинг ҳаётини, орзуларини, қалб туғёнларини, ишда ва турмушдаги муаммоларини, ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларидаги ҳаракатларини журнал саҳифаларига олиб чиқишимиз керак. Шу эзгу мақсад йўлида биз ҳар ойда вилоятларга сафарга чиқамиз. Қаҳрамонларимизни излаб далаларга, фабрикаларга, олий ўқув юртларига, коллежларга борамиз, мухлисларимиз билан учрашувлар ўтказамиз ва ҳар гал бундай учрашувлардан куч-қувватга тўлиб, илҳомланиб қайтамиз. Ўнлаб, юзлаб фотосуратлардан танлаб-танлаб муқоваларга олиб чиқамиз, журналнинг саҳифаларини бу суратлар зийнатлайди ва азиз опа-сингилларимизнинг сўзлари, чеҳралари, иш фаолиятлари билан саҳифаларимиз нафас ола бошлайди. Тиниб-тинчимас масъул котибимиз Қутлибека Раҳимбоеванинг сидқидил билан меҳнат қилаётгани журналнинг яна ҳам салмоғини оширади. Бўлим муҳаррирларимиз Холтош Усмонова, Дилором Исмоилова, Тамара Хуммаматовалар ёритилажак материаллар моҳиятини теранроқ очиш, ўқувчиларга яқинлаштириш учун муаллифлар излайдилар, қаҳрамонлари билан такрор суҳбатлашадилар. Ташкилий масалаларда Бош муҳаррир ўринбосари Маҳмуда Саъдуллаева доимо ҳозиржавоб. Турли муаммоли масалаларни ҳал этиб, кўпгина аризаларнинг ижобий ҳал бўлишида Маҳмудахоннинг ҳиссаси катта. Журнални саҳифаловчи Зуҳра Бўриеванинг иши доим қизғин...

Камтарин, олижаноб фотомухбиримиз Рихситилла Нуринбоев ҳаммамиздан кўпроқ вилоятларда бўлади. Қор-ёмғирда очин-тўқин қолиб кетган пайтлари ҳам ўз вазифасини бажаришга ҳаракат қилади. Ўн йилдан бери Рихситилла Нуринбоев замондош опа-сингилларимизнинг меҳнатини, уларнинг шодлик ва байрам кунларини, ижод лаҳзаларини суратга туширади...

Журналга келаётган хатларга алоҳида эътибор берамиз. Биргина яхши мисра ёки «йилт» этган фикр бўлса, журнал саҳифасига олиб чиқишга ҳаракат қиламиз. Аввалги йиллардагидек ўн минглаб бўлмаса-да мактублар «Саодат»га ҳар куни келмоқда. Ўқувчиларимизнинг ҳеч кимга айтолмаган сирларини ўз қанотида етказмоқда. Биз уларни ўқиб, ўз юрагимизнинг титроғидай қабул этамиз, қўлдан келганча ёрдамимизни аямаймиз... «Саодат»нинг эл орасидаги қадр-қиймати доимо баланд бўлиб келган. Давлатимиз доимо «Саодат» ва унинг ходимларини диққат-эътиборида тутиб келмоқда. Кейинги йилларда журналимиз ходимлари Президентимизнинг Фармонларига биноан бир неча бор тақдирландилар. Камина - Бош муҳаррир «Эл-юрт ҳурмати» ордени, фидойи журналистимиз Санъат Маҳмудова «Меҳнат шуҳрати» ордени, техник котиб бўлиб ишлаган Олимжон Ҳакимов, Бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган Гулчеҳра Жамилова, масъул котиб Қутлибека Раҳимбоева, бўлим муҳаррири Дилором Исмоилова, фотомухбир Рихситилла Нуринбоев эса «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар. Бундай эътибор жамоамиз журналистлари учун илҳом, ғайрат ва изланишлар манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. 2004 йил 25 майдаги Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қиздар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ишимизга танқидий назар билан қарашни ўргатди. Қишлоқ деҳқонлари ҳаётини кенгроқ ёритиб, ҳар биримизнинг тил учимизда турган бугунги оғриқли муаммоларни дадилроқ журнал саҳифаларига олиб чиқа бошладик. Миллатимиз табиатига доғ туширадиган аёл жиноятчилиги, гиёҳвандлик муаммолари, СПИД деган вабонинг келиб чиқиш илдизлари ҳақида мутахассислар билан суҳбатлар уюштирдик. Республика хотин-қизлар қўмитасининг Ҳаракат дастурига биноан режаларимизни тамоман янгиладик. Маҳбуса аёлларнинг дунёсига назар ташлай бошладик. «Аср вабоси», «Дард қаттиғи-пушаймонлик», «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», «Унутма, сен аёлсан!», «Гуноҳ юки оғир», «Йўлдан озганлар қисмати» каби суҳбат ва мақолалар мухлисларимизга маъқул келди, огоҳликка, уйғоқликка чорлади. Кейинги йилларда «Аёл ва сиёсат» рубрикасида берилаётган суҳбатларимиз ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг ўрни кенгайиб бораётганидан далолат беради. Аёл ва экология муаммолари, ҳуқуқий, тиббиий, иқтисодий саводхонлик борасида ҳали анча ишларни амалга оширмоғимиз даркор. Зулфияхоним бош муҳаррирлигида «Саодат»нинг ўқувчилари бир миллион нусхадан ошиб кетган эди. Биз мухлислар даврасини кенгайтиришга, «Саодат» даврасига тортишга ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бунинг учун ҳар биримиз ўз касбимизга садоқат туйғусини янада теранроқ ҳис этишимиз, ҳаёт бағрига чуқурроқ кириб боришимиз, муаллифларимиз ва қаҳрамонларимиз сафини янада кенгайтирмоғимиз керак бўлади. Бу йўлда бизни «Саодат»нинг жойлардаги вакилалари, элга танилган ижодкор қизларимиз қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлаймиз.

Энг муҳими, сиз азиз мухлисларимизнинг ишончига таянамиз. Ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммолари бўлади. Ҳар бир нашрнинг ҳам ўз ўқувчилари бор, «Саодат» журнали мухлислари ҳамма замонда ҳам уни соғиниб ўқидилар, соғиниб кутдилар. У барча хонадонларнинг энг азиз маслаҳатчисига, донишманд Ростонбувига, Зийракхонга айланиб, ўз ўқувчилари қалбини бойитди. Оналарнинг сўзи бўлиб Ватанга, халққа хизмат қилишнинг буюк дарсларини ўтаган мураббий бўла олди. Оилалар, муаллимлар учун одоб ва ахлоқ мажмуи, қизларимиз учун севги-муҳаббатдан сўйловчи дугона бўлиб қола олди. «Саодат»нинг мавзулари, мундарижаси ҳамиша замонавий. У инсоннинг қалбидаги энг гўзал туйғуларига ҳамоҳанг созланган дуторга ўхшайди. Ўтган буюк устозларимизнинг овозлари садо бериб турган, унутилмас сиймоларнинг ёшлик йиллари саҳифаларида муҳрланган «Саодат» ҳамиша халқники, минглаб мухлисларники ва Сизникидир.

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

**ЗУЛФИЯ**

## САКСОН ЙИЛ ЛОВУЛЛАБ СЎНМАГАН ЎТМАН

*Бу оқшом пориллар дил нурингизда,*
*Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.*
*Турибман, азизлар, ҳузурингизда*
*Ҳамон ўтлиғ кўнгил, ёруғ юз билан.*

*Ҳамон мулкимдаги сийму зарим – шеър.*
*Сочимда, чеҳрамда йиллардан нишон,*
*Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,*
*Орзуларим карвон, сарбоним – ишонч...*

*Ҳикматлар бағрида дур, марваридим*
*Аждодларим менга ифтихор, ғурур*
*Шу мавжлардан томган нуқра умидим*
*Шоира қизларим бахш этган сурур.*

*Бу назм боғига киролмас хазон,*
*Бизни маҳв этолмас завол лашкари,*
*Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,*
*Бу боғлар – бир боғлар бўлади ҳали...*

*Ҳамон эътиқодим – ҳақиқат, ҳақдир,*
*Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,*
*Емира олмайди ўткинчи тақдир,*
*Осуда ўтади руҳим абадга.*

*Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур*
*Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.*
*Тонгларингиз кулсин дориломан, ҳур,*
*Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.*



Архив

# ФИКР БУЛОҒИНГ ТИНИҚ БЎЛСИН

Мен "Саодат" журналига мактабда муаллима бўлиб иш бошлаган даврларимдан буён обуна бўламан. Узоқ йиллар давомида ўз меҳнати, аёл қалбига яқинлиги билан ўз исмини оқлаган, элнинг ишончини қозонган нашр бу. Биз – зиёлилар журналдан дарсларимизга зарур қўшимча материаллар оламиз. Тарихимизнинг ёритилмаган саҳифалари, қатағон қурбонларининг оиласи, фарзандларининг қисмати. Машҳур шахсларнинг руҳий дунёсини акс эттирувчи воқеа-ҳодисаларни биз мунтазам "Саодат"дан ўқиймиз. Маънавият сабоқлари математика, физика, кимё ўқитувчисига ҳам бирдай керак. Чунки бугун дарсда фақат фан билимлари билан чегараланиб қолиш мумкин эмас. Ўқувчиларнинг дунёси кенгаймоқда, бойимоқда. Устоз ҳам шунга монанд тафаккур оламини юксалтирмоғи шарт.

"Саодат"нинг яна бир жиҳатини аёл сифатида жуда қадрлайман. У ҳамиша аёл ёнида туради, унинг оналиги, бекалиги, миллат ор-номуси учун жавобгар шахслигини эсига солади. Адашганларни тўғри йўлга бошлашга интилади. Аёл ҳақида ёзганда мезонни, меъёрни билиш керак. Унинг эри, оиласи, фарзандлари борлигини, эри эркаклар даврасига, ўғил-қизи тенгдошлари орасига киришини ҳамиша эсда тутиш зарур. "Саодат" бу меъёрларга доим амал қилади.

Унутилмас шоирамиз Зулфияхонимнинг "Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман", деган гўзал сатрлари бор. "Саодат" ҳам шундай 80 йилдан бери кўнгилларни иситиб келаётган олов.

Биз ўрганганларимиз учун муаллималарга, муаллималик учун журналга ташаккур билдирамиз. Фикр булоқларинг ҳамиша тиниқ бўлсин, "Саодат".

**Мавлуда ИСМАТОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

# ҚИРҚ УРУҒЛИ ҚЎНҒИРОТ

***Юксаклик, кенглик, теранлик билан дучлашганда киши руҳиятида ажиб ўзгаришлар кечади. Тоғлар яқинига борса, ўзини чўққида ҳис этади, ҳатто юраги шувиллайди. Денгизга қирғоқдан қараса, шиддатланади. Поёнсизликларда эса кенгаяди.***

***Қорақалпоғистондаги тоғларда у қадар салобат йўқ, Султон Вайс тоғларининг юксаклиги — номида. Орол денгизи ҳам изида қумзорлар қолдириб чекингандан чекиняпти. Жайҳун баҳорда бир тошмаса, қолган уч фасл ювош... Аммо мени «Саодат» Қорақалпоғистонга йўлласа қанот боғлаб учиб кетаман. Чўл шамолларида матонатли посбондай маҳкам турадиган саксовулзорлармиё тулпорлар дупури, чағалайлир қийқириғидан довуш олган қорақалпоқ куйларими — нималардир менга ўзгача руҳият бахш этади. Балки, очиқ-ёруғ, бир зумда айтишиб, тортишиб, бир зумда дўстлашиб, эллашиб кетадиган аёллари, кайвонилари юрагимга яқиндир...***

## ДЕНГИЗНИ СОҒИНАМИЗ

— «Саодат» бизни ҳеч унутмайди. Байрамларда илиқ-иссиқ тилаклар билан табрикномалари келади. Асраб қўямиз. Бизда журналнинг нақ 14 мингдан зиёдроқ мухлиси бор. Шунча опа-сингилларимиз бор-да, майли, кўпи тиши кемчик қизалоқлар бўлсин, бугун ўқимаса, эртага ўқийди-да, — дея бизни қаршилайди Мўйноқ тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибихоним Ўтамбетова. Улар Мўйноққа келган кўноқни аввал Орол ташлаб кетган соҳилга бошлаб боришар экан.

— Бир замонлар тўлқинлар гулдирагидан ухлай олмас экан кексалар. Болалигимда мана шу соҳилда қатор оромгоҳлар бўларди. Ёз бўйи Қорақалпоқ, Хоразм болаларининг Қрим, Ялтаси бўлган бу жойлар... Бибихоним ширин хотираларини айта-айта соҳилдан сўнг Мўйноқ музейига бошлайди. Ўша хотираларнинг қоғозларга мойбўёқда муҳрланган манзаралари... Орол балиқчилари, тонгдаги, шомдаги денгиз, қирғоқдаги севишганлар учрашуви, сўнг қумга қадалиб қолган кемалар, ярим тўнтарилган қайиқлар... Рассомлар яшил, қизил ранглардан сариқ, кулрангларга кўчишган. Мўйноқ марказий шифохонасидаги учрашув соҳилдаги, музейдаги таассуротларимизни янгилайди.

— Бу шифохона қурилганига 70 йил бўлади. Бир пайтлар икки-учтагина бўлим бор эди. Кўзи оғриган ҳам, оёғи оғриган ҳам битта бўлимга келаверарди. Мустақиллик йилларида бўлимларимиз 12 тага етди. Яқин-яқингача ҳам аниқ ташхис учун беморларни 100 километр узоқдаги Қўнғиротга юборардик. Мана, энди ўзимизда УЗИ аппарати бор, энг янги нусхаси, — дея акушер-гинеколог Холбека Жиянова бизни шифохона билан таништира бошлайди.

Ҳақиқатан, Нукусдан юзлаб километр шимолда жойлашган, сув танқис, (айрим қишлоқларга ташиб келтирилади) қум кўчкилари туфайли деҳқончилик қилиш машаққат бўлган Мўйноқда рисоладагидай шифохонанинг борлиги катта гап. Яшаш учун кураш инсон табиатига хос ҳодиса. Агар шароит бундайроқ деб қўл қовуштириб ўтираверишганда, Мўйноқ тумани харитадан ўчиб кетмасмиди? Ҳолбуки, у яшаяпти. Нукусдан Гулнора Айитметова исмли чевар аёл келиб маҳалла қизларига қадим қорақалпоқ нақшларини ўргатяпти. Биттагина Учсой қишлоғида истиқлол йиллари мактаб, қишлоқ шифокорлик пунктлари қурилибди. Шу қишлоқда иккита кутубхона бор экан.

— Бизда таълим-тарбияга эътибор катта. 10 нафар иқтидорли болалар ҳокимликка қарашли «Ажиниёз» фонди ҳисобидан кийинтирилиб, китоб-дафтар билан таъминланиб, олимпиадаларга тайёрланди. Шу кунда Мўйноқдан 246 нафар йигит-қизлар олий ўқув юртларида ўқияпти, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси. – Биз маҳаллалар, қишлоқларда «Саодат» учрашувларини ўтказдик. Сал илҳомлантириб, қиздириб қўйсангиз, аёлларнинг ўзи шоир. Ўзи оқин.

«Туғруқхонамиз таъмирлансин, йўлларимизни тузатиш керак, айрим ёшлар ишсизликдан узоқларга кетиб қолаяпти», деб гапирган муаммолари эсидан чиқиб, шеър ўқишади, жўр бўлиб қўшиқ айтишади. Муҳими, Мўйноқ аёлларининг руҳи — бақувват, руҳияти кучли, эл эса экология билан боғлиқ қийинчиликми, иқтисодий, сиёсий муаммоми — йўл топиб чиқиб кетади.

## ОЙБАРЧИННИНГ СОЧБОҒИ ТУШГАН...

Қўнғирот Мўйноқдан берироқда. Йирик саноат корхонаси — Қўнғирот сода заводи қурилиб ишга тушгани бу туманнинг маданий, иқтисодий иқлимини янгилабди. Завод атрофида ёшлар шаҳарчаси бунёд этилган. Қўнғиротнинг эски шаҳар қисмида ҳам истиқлол йиллари 100 ўринли санаторий-профилакторий қурилибди. Тўртинчи, бешинчи сонли маҳаллаларда янги гузарлар ишга тушибди.

— Қўнғиротга Ойбарчиннинг сочбоғи тушиб қолган, дейишади. Қалмоқлар билан от чопишгани, суворий бўлиб майдонга кирганини эшитганмисиз? Сочбоғида ҳам ҳикмат бўлади-да ботир қизларнинг. Шунинг учун Қўнғиротда бир-икки томчи ёмғир билан ҳам ниҳол кўкараверади, — дейди ҳазил аралаш Қўнғирот туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулжон Ийямбергенова.

— Бир ёши улкандан, бир ёши кичикдан хабар ол, дейишган. Боғчага борамиз энди, — дея у бизни туман марказидаги «Гулдаста» болалар боғчасига бошлайди. «Гулдаста»га исми жисмига ярашиқ аёл Олмагул Ўрозбоева бош экан. 170 нафар кичкинтойнинг 27 нафар «боғча опа»лари билан суҳбатлашдик.

Мураббиялар боғча иши юришиб турганидан, ўғил-қизлар спорт, мусиқа машғулотларига ҳавасмандлигидан ҳурсанд.

— «Истиқлол болалари», «Истиқлол боғчаси» деган сулув номи бор, қани энди биттагина компьютеримиз ҳам бўлса, — дейди Гулзор Давлатбоева — ёшгина, гапдонгина мураббия.

Фақат Гулзор ёки Жангилой эмас, Қўнғирот маҳаллаларидаги аёллар ҳам жуда фаол.

— Биринчи сонли маҳаллада 6197 нафар аҳоли яшайди. 14 та кўчамиз бор. Бўлсин, бўлсин шу маҳаллага бўлсин, дедим. 20 миллион сўм кредит олиб, ошхона қурдим. 9 нафар аёлни иш билан таъминладим, — дейди тадбиркор Тозагул Хўжамбетова. Бу ишсизлик нафақасини олаётган 276 нафар аёл сафи бир салқи тортди, дегани.

Марказдаги маҳаллаларда ҳам, «Равшан» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги учрашувларда ҳам аёллар навбатма-навбат даврага чиқишди. Аввало ҳаммасининг дилида замонга, мустақилликка шукрона, қолаверса, яхши яшаганнинг яна ҳам яхши яшагиси келади, деганларидай таклифларини ҳам айтиб қолишди.

— Мактабларимизда дарсликларга эҳтиёж бор, ҳомийлик асосида мактаб кутубхоналарига кўпроқ китоблар олинса...

— Мактаб яқинида, қишлоқларда спорт майдончалари қуриляпти, аммо спорт жиҳозлари етишмайди.

— Олис қишлоқларда истеъдодли болалар кўп. Улар мусиқа ёки рассомлик санъатини ўрганғани туман марказига қатнай олмайди. Санъат мактабининг қишлоқларда филиаллари очилса...

...Яхши таклифлар ҳеч қачон ерда қолмайди. Ахир, бугун ҳаётимизни зийнатлаган кўп эзгуликлар ҳам кеча кимнингдир дилида уйғониб, тилига таклиф бўлиб кўчган-ку...

* * *

Қорақалпоқнинг оқ лачакли момолари «чироғим» деб гап бошлайди, эр кишилари «қариндош» дея мурожаат қилади. «Бойбека», «Бойбича» сифатларини ҳам қўллашади. Бир-бирини, ўзгаларни ҳам шундай чиройли атайдиган элда сафар доим яхши қарийди. Менинг ҳам сафарим шундай бўлди. «Саодат»га мухлисларинг билан учрашдим, гап бердим, гап олдим, дея ҳисобот берарканман, икки кўзимнинг бири орқамда қолди. Бу ирода, сабот билан яшаётган, меҳнат қилаётган, яратаётган элнинг кўнглини бир қаламкаш, бир ижодкор бўлиб олиб биламанми? Бу ёғи энди менинг саволим, менинг ўйларим, менинг изланишларим...

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**

*Бир сурат шарҳи*

# ВАФО ҚАСРИ



Чўлпон юлдузлари бу иморатнинг тунда ҳам ярқираб кўринадиган кошинларига шабнамлар сочиб кетади. Тонгда қуёш нур қўлларида бу нуқра томчиларни йиғиб олади. Насимлар мовий гумбазлар устига гул бўйларини сочади. Дунё ошиқлари бу иморатни бир бор зиёрат қилишни орзу қилади. Неча маҳбубу маҳбубалар хаёлан айнан шу қаср пойига тиз чўкиб аҳду паймон қилади. Шу тарздаги ваъдалашув уларга ишончли туюлади.

Париж ўзининг Эйфель минораси, Миср ўз эҳромлари билан машҳур бўлганидай Агра Тож Маҳал деб аталган қасри билан дунёда шуҳрат қозонган. Тож Маҳал тарихи ишқ тарихи, муҳаббатнинг ҳам қайғули, ҳам ҳайратли қиссасидир. Бу қисса, бу достон қаҳрамони малика Мумтоз Маҳалнинг асл исми Аржуманд Бону. Уларнинг ота-оналари асли эронлик бўлиб, камбағаллик важидан Ҳиндистонга кўчиб келишган.

У 1613 йил 19 ёшида 21 ёшли бобурий шаҳзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон) га турмушга чиқади. Аржуманд Бону гўзаллиги, оқилалиги, ўткир фаросати билан саройда катта ҳурмат қозонади. Қайнотаси Жаҳонгиршоҳ ҳам бу келинига алоҳида эҳтиром кўрсатарди. Чунки келин ота-ўғил орасида илиқ, самимий муносабатни сақлаб турарди. Қайнотаси ҳурмати, эрининг муҳаббатига эришган Аржуманд Бонуга Мумтоз Маҳал (саройнинг кўрки) дея ном берадилар.

1628 йилда Шоҳ Жаҳон тахтга ўтиради ва малика унга давлат ишларида катта ёрдам беради. У қисқа умри давомида 14 нафар фарзанд кўради. Охирги фарзанди дунёга келар чоғи – 1631 йил Мумтоз Маҳал 38 ёшида вафот этади. Малика видо онларида эридан фарзандларига ғамхўрлик қилишни, ўзига атаб улуғвор бир иморат бунёд этишни, ҳаётининг охиригача тоқ ўтишини ўтинади. Шоҳ Жаҳон суюкли рафиқасининг барча истакларни бажо этади. Ундан сўнг яна 38 йиллик умрини ёлғиз ўтказади. Оқ мармардан Тож Маҳал («Мумтоз Маҳал бошига кийдирилган тож» маъносида) қаср бунёд этади. Бу иморат қурилишга 40 миллион рупия маблағ сарфланган. Тож Маҳал неча-неча гўзал асарларга мавзу берди, шоирлар, рассомлар, киночиларга илҳом бахш этди. Бу иморат севги ва вафо рамзи бўлиб ҳали узоқ яшайди. Ёш рассом Анвар Шодиев ҳам «Тож Маҳал»дан илҳомланиб яратган сувратини «Севги қасри» деб атабди.

# "ЯНГИБОҒ" БЕКАСИ

"Янгибоғ" Марғилондаги намунали маҳаллалардан. Муаллимасидан тортиб шифокоригача дўппини ўзи тикади, бозордан харид қилиб ўтирмайди. Ўғиллари-косиб, қизлари-зардўз.

Зувайдахон Аҳмедова 718 хонадон, 1247 та оиладан иборат бу маҳаллага диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи қилиб тайинланганда қўни-қўшниларининг тадбиркорлиги, фаоллигига суянди. "Обод маҳалла" йилида ободончилиги, аҳиллиги, ишбилармонлиги туфайли республикада 1-ўринни олган бу маҳаллага маслаҳатчи бўлиш кўнглига ғурур, рағбат берди. Узоқ йиллик муаллималик тажрибаси туфайли ўсмирлар, ота-оналар билан тил топиша олди. Зувайда Аҳмедова иш бошлагандан буён иккита одам тўпланган жойга боради, оддий маиший мавзудаги суҳбатлардан маърифий анжуман тузади. Қиз болани оилага тайёрлашдан тортиб, тиббий кўрик муаммоларигача суҳбатга кириб келади.

Маслаҳатчининг чеҳраси ҳамиша очиқ, нигоҳлари самимий. Хушмуомаласи билан сочлари қирққокил қизларда спортга ҳавас уйғотди. "Янгибоғ" оилавий спортчилар мусобақаларда ғолиб келди. Мавлуда Нажмиддинова бошчилигида ҳунарманд қизларга цех очиб беришга бош-қош бўлди.

Йил бошида ишга тушган Оила маркази ҳам "Янгибоғ"нинг гавжум жойларидан бирига айланди. Ҳуқуқшунослар, шифокорлар навбат билан аёллар даврасида ҳуқуқ, тиббиётга оид саволларга жавоб берадилар. Кўнгилни бериб қилган меҳнат ерда қолмайди. Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида Зувайда Аҳмедова Президентимизнинг Фармонига кўра "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

*Тадбир*

# АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА

***Чилонзор туман халқ таълими бўлими ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшма туман кенгаши ўтиб бораётган Сиҳат-саломатлик йилини ўзига хос тарзда якунладилар. Жорий йилнинг декабр ойи биринчи ўн кунлигида анъанага мувофиқ таълим ходимлари спартакиадаси ўтказилди.***



Унда 25 та мактабдан 370 нафар ўқитувчи ва мураббийлар спортнинг 5 тури бўйича беллашишди. Куни кеча ўқитувчилар ўртасида яна бир мусобақа ўтказилди. Унда 25 ёшдан ошган спортчилар қатнашдилар. Педагог спортчилар югуриш, волейбол, стол тенниси ҳамда шашка ва бошқа ҳаракат турлари бўйича 4 кун давомида ўз кучларини синовдан ўтказдилар. Иштирокчиларнинг маҳорат даражаси нуфузли ҳакамлар томонидан баҳолаб борилди.

Югуриш бўйича ўтказилган аёллар мусобақасида М. Баҳодирова, Ш. Соатова, Е. Сафонкиналар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишга муваффақ бўлдилар. Спортнинг шу тури бўйича эркаклар ўртасидаги баҳсда И. Измайлов, П. Шапкин, А. Муҳамедовларнинг ҳаракатлари юқори баҳоланди. Айниқса, фахрий педагоглардан Т. Йўлдошев, Х. Асатуллаев, Э. Гаврилюкларнинг мусобақада иштирок этишлари анжуманга ўзгача завқ бағишлади.

Волейбол бўйича ўтказилган мусобақа ҳам ниҳоятда қизиқарли кечди. Унда 20 га яқин мактаб жамоалари қатнашди.

Ғолиблар махсус дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Р. НЕЪМАТОВ**

*Бор бўл, оқибат!*

***Қибрай туманидаги республика болалар полиомилит шифохонаси ишга тушганига салкам 50 йил бўлди. Ўшандан то бугунги кунга қадар неча-неча юзлаб ногирон болалар даволаниб қайтишди бу даргоҳдан.***

# ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Мустақиллик йиллари мазкур шифо масканига ҳам ўзига хослик бахш этди. Тиббиётда кечаётган ислоҳотлар боис, шифохона деярли янгиланди.

– Ҳозирги кунда шифохонада учта бўлим мавжуд бўлиб, юздан ортиқ бемор болалар даволаниши учун мўлжалланган, – дейди шифохона бош врачи Самариддин Тиловов. – Беморларнинг яшаши ва даволаниши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Физиотерапия, массаж ва яна бир қанча муолажа хоналари ишлаб турибди. Ёзда бўлимлар бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бунда ҳомийларнинг хизмати катта бўлди. Болалар бўш вақтларида спорт ва мусиқа билан шуғулланишлари мумкин.

– Фақат шугина эмас. Болаларнинг қизиқишига кўра турли тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. Шифохона яқинида жойлашган маҳалланинг Жўра Рустамов, Озод Ойхўжаев сингари фаоллари бошчилигида байрамларда болаларга атаб дастурхон ёзиб, совға-саломлар улашилади.

Таълим-тарбия шифохонанинг ўзида ташкил этилган. Раиса Абдуллаева, Гулнора Файзиева, Инобат Боқиева ҳамда Нигора Йўлдошева каби шифокорлар жонкуярлигидан беморлар мамнун.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# Спорт оламида

*Футбол*

## ҲАР КИМНИНГ ТАЪБИ

Мадриднинг «Реал» клуби чуқур инқирозни бошдан кечирмоқда. Юлдузларга тўланаётган маошга бемалол учта юксак савияли жамоа тузиш мумкин бўлгани ҳолда, командада юзага келган вазият тобора ёмонлашиб, турнир жадвалида эгаллаб турган ўрни ҳам мухлислар кўнгли тўладиган даражада эмас.

Шу муносабат билан Зидан ўз фикрини баён этди. У бош мураббийлик курсисини ватандоши Дидье Дишам эгаллашини исташини билдирди. Француз мутахассиси «Монако» клубини тарк этгандан бери ишсиз.

Лекин яқинда «Реал» клуби раҳбарияти бошқача фикрда эканлигини тасдиқлаб, бош мураббий вазифасини бажараётган Хуан Рамон Лопес Каро мавсум охиригача ўз вазифасида қолишини билдирди.

## РОНАЛДИНЬО – ЯНА ЭНГ ЯХШИ

Бразилиялик Роналдиньо ФИФА сўровига кўра, иккинчи марта қаторасига йилнинг энг яхши футболчиси деб эътироф этилди. 25 ёшли ярим ҳимоячи фахрли унвон учун курашда «Челси» ўйинчиси Фрэнк Лэмпард ҳамда ўз жамоадоши Самюэл Это'они ортда қолдирди. Сўровда жаҳоннинг барча терма жамоалари мураббийлари ва сардорлари иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, ноябрда Роналдиньо Европа қитъасининг энг яхши футболчиси деб эътироф этилган эди.

*Бокс*

## РИНГГА ҚАЙТИШГА РУХСАТ БЕРИШДИ

Ўта оғир вазн тоифасидаги машҳур боксчи Джо Меси бир ярим йиллик танаффусдан сўнг яна рингга қайтадиган бўлди. Америка оммавий ахборот воситаларининг хабарига қараганда, Невада штати суди спортчининг умрбод боксдан четлаштирилиши тўғрисидаги қарорни ноқонуний деб топди.

Хабарингиз бор, Меси 2004 йил мартда Василий Жиров билан бўлган жангда қаттиқ жароҳат олганлиги сабабли унинг соғлиғини ўйлаб шундай қарорга келинган эди.

Боксчининг отаси бу ғалаба билан чекланиб қолмоқчи эмас. У ўғлининг бекор юрган кунлари учун яхшигина товон ундириб олиш ҳаракатида.

*Хоккей*

## ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

АҚШ олимпия терма жамоасига жалб қилинган ҳимоячи Крис Челиос ўзига хос рекордни ўрнатиши мумкин. 44 ёшли хоккейчи Италиянинг Турин шаҳридаги муз майдонга чиққан вақт билан у илк бор Олимпиадада қатнашган фурсат оралиғини 22 йил ажратиб туради. Гап шундаки, Крис 1984 йилда Сараевода ўтказилган Олимпиадада ҳам терма жамоа таркибида бор эди. Ана энди у яна мамлакат бош командаси аъзоси сифатида майдонга тушишга ҳозирлик кўраяпти.

Ушбу масалада уни фақат икки киши ортда қолдириб турибди. Улар венгр Бела Ордоди ва немис Альфред Штайнелардир. Бу спортчилар 1928 йилда Швейцариянинг Санкт-Морице шаҳрида ўтказилган Олимпиадада қатнашган паллада 48 ёшни қоралаган эдилар.

*Пойга*

## АЛОНСО ҚАРОРИ

«Формула-1» йўналиши бўйича жаҳон чемпиони бўлган Фернандо Алонсо 2007 йилда «Макларен» жамоаси таркибида пойгаларда қатнашади. Алонсонинг «Рено» билан айни пайтдаги шартномаси яна бир йилдан сўнг ўз кучини йўқотади. Унинг «Макларен»га ўтиши эса ўз навбатида ушбу жамоани ё Кими Райкконен, ё Хуан Пабло Монтойя тарк этишини ҳам билдиради.

Бир неча кун муқаддам «Макларен» жамоаси «Водафон» фирмаси билан ўзига анча қулай шартномани имзолади.

– Жаҳон чемпионининг бизнинг рақобатбардош команда тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни юқори баҳолаганини жуда қадрлаймиз, -деди «Макларен» раҳбари Рон Деннис. – Биз ҳамиша биринчи бўлишни хоҳлаганмиз ва ўйлайманки, шундай бўламиз ҳам.

**М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

***Ҳар нарсага куйма дейишар менга,***
***Куймаган юракни нима қиламан.***
***Ортиқча юк қилиб уни танага,***
***Ёнмаган юракни нима қиламан.***

Бу мисралар севикли шоирамиз Саида Зуннунованинг қаламига мансуб. Унинг лирик қўшиқларини мириқиб тинглаб, ҳар бир сатри ҳаётда софлик, содиқликка ундовчи шеърларини ўртаниб-ўртаниб ўқиймиз. Адибанинг қисса ва ҳикояларидан эса ҳаёт гўзалликларини кашф этамиз.

Қўлимда Саида Зуннунованинг «Нилуфар» шеърлар тўплами. Шоиранинг сўнгги йиллардаги баракали ижодидан дарак берувчи китоби. Уни варақлайману, қалб қўридаги орзу-истакларига ошно бўлганимни туяман.

# КУЙМАГАН ЮРАКНИ НЕ ҚИЛАЙ

Тўпламдаги ҳар бир мисра қалбга яқин. Сўз бошида муаллиф шундай дейди: «Қўлингиздаги китобча ўттиз йиллик меҳнатимнинг бир қисми. Уни ушлаганингизда типирчилаб уриб турган бир юракнинг безовталиги сизга ҳам юқса дейман». Шоиранинг орзуси ушалган. Унинг қалб куйлари аллақачон ўз ўқувчилари юрагини чертган, муҳаббатини қозонган. Сўзни «Нилуфар» китобидан бошладик. Аммо, шоиранинг ўзи айтмоқчи, ўттиз йиллик ижоди мобайнида китобхонларга инъом этган саккизта шеърий тўплами, тўрт достон, бешта қисса ва икки драматик асар, кўплаб ҳикоялари унинг кўп қиррали ижодкор эканлигидан хабар беради.

Она Ватан мадҳи, оналик меҳри ва фарзанд мавзусими, киши маънавий дунёсининг бебаҳо гавҳари — соф муҳаббат хусусидами, барча-барчасини замирида туганмас меҳр ётади.

Қалбни тўлқинлантириб юборадиган куй, дилга ором берувчи қўшиқ тингловчига қанот ато этади-ю, узоқларга етаклаб кетади. Китобдаги жозибали мисраларни ўқирканман, кўз ўнгимда куйловчининг самимий, ўйчан чеҳраси намоён бўлади. Назаримда, у шивирлаб: «Бахт куйлатади, қаҳрамонларим асосан аёллар, уларнинг инсонлик ҳуқуқини, қалб ҳиссиётини, меҳр-заковатини куйлагим, ёзгим келади», деяётгандек туюлади.

Шоира шеър ёзишни жуда эрта, ўқувчилик пайтидаёқ бошлаганди. Ўшанда 12 ёшли қизнинг биринчи шеъри туман газетасида босилиб чиққан. 1943 йили Андижон ўқитувчилар тайёрлаш институтини тугатиб, мактабда дарс бериш билан бирга шеър мутолаа қилиш, ўз дилидаги орзуларини куйлаш иштиёқи билан яшарди. Унинг дастлабки шеърлари маҳаллий газеталарда босилиб чиқа бошлади. Шоирадаги истеъдод ижодий ходимлар эътиборидан четда қолмади. Уни ишга таклиф этишди. У энди бутунлай ижодга шўнғиб кетганди. Марказий газета ва журналларда кўрина бошлади. Орадан кўп ўтмай шоиранинг «Қизингиз ёзди», «Янги шеърлар» (1950 йил) тўпламлари босилиб чиқди.

«Қизингиз ёзди» китобининг ажойиб тарихи бор. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом: «Бу шоирагинанинг шу ёшга етиб келувида каминанинг ҳам озгина мураббийлиги бўлган. Саиданинг биринчи китобини ўқиб «Қизингиз ёзди» деб ном қўйиб берганман. Халқимизнинг Саидага қилган яхши нияти бекор кетмади. У хотин-қизларга хос назокат, ифордай татимли лирикаси билан дилларимизни эркалатиб, чарчоқларимизни ёзиб, меҳнатга рағбатимизни товлантириб, идрокимизни гўзалликлар томон етаклайдиган фахрли шоирамиз бўлиб етишди», деганди.

«Гуллар водийси», «Қизларжон», «Шеърлар», «Бир йил ўйлари», «Қўшниларим» шеърий тўпламларидан ташқари адибанинг «Гулбаҳор», «Дўстлик», «Қанот», «Кўчалар чароғон», «Бўйларингдан ўргилай» сингари қатор ҳикоя ва қиссалар тўпламлари босилиб чиқди. Унинг «Она», «Кўзлар» пьесалари ҳам бор. Уч томлик асарлар тўплами чоп этилган.

Афсуслар бўлсинки, севимли адибамизнинг ижод булоғи тўлиб-тошган пайтда бешафқат ўлим уни орамиздан олиб кетди. Уни эллик ёшга тўлгани муносабати билан ўтказилган юбилейида иштирок этгандим. Қанчалар бахтиёр эди ўшанда шоира... Ёнида содиқ умр йўлдоши Саид Аҳмад ўтирарди. Икки ардоқли ёзувчи... Уларга ҳавас билан узоқ тикилиб қолганман. Лекин бу кунларга етиб келиш улар учун осон бўлмаганди...

Шўро тузуми даврида кўп машаққатли кунларни бошидан кечирганди. Ноҳақлик, тазйиқ зарби қанчалик оғир бўлмасин, иродаси кучли бу икки виждони пок инсонни енга олмади.

Саида Зуннунова деганда, бугун кўз ўнгимда аввало вафо тимсоли, матонат намунаси намоён бўлади, содиқликни Саидадан ўрганинг дегим келади. Ундан ўзбек аёлига хос нозик табиат, иффат, ҳаё ифори уфуриб туради.

**Фарида УСМОНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## ҚАРИМАЙ ДЕСАНГИЗ

Ёшимиз улғайиб боргани сайин, юзимизда ажинлар пайдо бўлиб, куч-қувватимиз кетаётгани, хотирамиз ёмонлашиб, кўзимиз хиралашаётганини сезамиз. Бу, биринчидан, кексалик аломати бўлса, иккинчидан организмда анти оксидантларнинг камаяётганидир. Қариш жараёнидаги бундай ўзгаришлар организмда яшириниб ётган турли касалликларнинг кучайишига сабаб бўлади. Шуни ҳисобга олиб, ёши улғаяётган ҳар бир киши аввало фаол ҳаракатда бўлиши, асабини асраши, арзимаган нарсага сиқилмаслик, ўзини руҳан ва жисмонан тетик тутишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун эса организмни руҳан кўтаринкилик билан қувватлантириш баробарида турли мева-чева ва сабзавотларни истеъмол қилиш орқали ёшартирилади. Бу борада сабзи бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ҳар куни 2 дона сабзи еб юрган одамларда холестерин миқдори меъёрида бўлади. Негаки, сабзи таркибидаги дармондори ва фойдали микро элементлар қаришга ва турли касалликларга қарши қалқон бўлади. Жигар, юрак хуружларига энг ишончли доридир.

Карам ва ундан тайёрланган овқатларни еб юрган одам ичак ракига йўлиқмайди, шунингдек, карам меъда ракининг олдини олади. Айниқса, кунора 1 стакан карам шарбати ичган киши соғлом, руҳан тетик юради.

Қулупнайда ҳам рак касаллигига қарши хусусият бор. Шифобахшликда пиёзнинг хосияти бебаҳодир. Пиёз қонни суюлтириб, тромбозлар пайдо бўлишининг олдини олиши билан одамга алоҳида куч-қувват бағишлайди. Шу билан бирга пиёз ракка қарши синалган доридир. У рак ҳужайралари ўсишига йўл қўймайди, моддалар алмашувини яхшилайди, шу билан бирга яллиғланишга, замбуруғ касаллигига қарши курашиш хусусиятига эга.

Исмалоқ мия фаолияти ва артериялар ишини яхшилайди. Помидор эса кексаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятини сақлайди.

## ЛАБДАГИ ЎЗГАРИШ нимaнинг аломати

Кўз – қалб кўзгуси эканлигини кўпчилик яхши билади. Мутахассис олимларнинг эътироф этишларича, лаблар меъда (ошқозон) кўзгуси экан. Негаки, азал-азалдан Шарқ табобатида табиблар лабларга қараб, беморнинг дардини билиб олишган.

*Биласизми?*

Табобат илмининг донишлари фикрича, лаблар ингичка тортса, демак, меъда ости бези яхши ишламаётганидан дарак беради ёки кислоталик даражаси пасайган. Бундай пайтда эса моддалар алмашинуви бузилади. Қолаверса, организм заҳарли моддаларга қарши кураша олмай қолади. Бу эса ўз-ўзидан беморда толиқиш ҳолатини пайдо қилади, ошқозон оғрийди, ичи бузилади.

Оқарган қонсиз лаблар эса камқонлик аломатидир. Организмда қизил қон таначалари камлиги, темир моддаси танқислиги ўрнини тўлдириш учун асал, мева-сабзавот истеъмол қилиш зарур.

Устки лаб пастдагисидан юпқа бўлганда тўғри ичакда хасталик аломатлари борлигидан далолат беради.

Табассумга мойил лаблар эса саломатлик белгисидир.

Лабдаги ҳар қандай ўзгариш, саломатлик билан боғлиқ хавфдан огоҳлантиради. Ана шундай ҳолни сезишингиз билан шифокорга мурожаат қилинг.

**Н.ШАРИПОВ,**
**олий тоифали шифокор**

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан*

***Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ҳал қилувчи босқичга кирди. Республика Президентининг қарорида кўрсатилганидек, Қашқадарё воҳаси ва марказининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қурилиш-реконструкция ва ободончилик ишлари замонавий талаблар асосида амалга оширилаяпти.***

Ўтмишда Насафнинг кунчиқар тарафида Тутак, қалъанинг жануби-шарқий девори ўртасида Шаршара, жануби-ғарбий томонида Хандақ, шимоли-ғарбий чеккасида Хиёбон, Қашқадарё кўпригининг сўл тарафида Қўқон дарвозалари бўлганлиги тарихда маълум. Мағрибу-Машриқдан келган карвонлар шаҳарга киргач, карвонсарой ва тимларда нафас ростлаб, сафарларини давом эттирганлар.

# КЎҲНА НАСАФНИНГ ЯНГИ ДАРВОЗАСИ

Бугунги кунда кўҳна Заҳоки Марон қалъаси яқинида қад кўтарган Қарши темирйўл вокзали поездлар ва йўловчиларни кутиб оладиган воҳанинг асосий дарвозасига айланди. Юртбошимиз Қашқадарёда ишлаган даврларида темирйўл вокзалини қайта қуришга бош-қош бўлган эдилар. Мустақиллик йилларида асосий шоҳбекат ўзгача қиёфа кашф этиб, тамоман қайтадан бунёд этилди.

Вокзал биносига кираверишда яшилликка чўлғанган кўркам хиёбон эътиборингизни ўзига тортади. Тонги шабадада анвойи гулларнинг хушбўй ҳиди димоғингизга урилади. Кенг ҳовлига қадам қўйишингиз билан тоза ва озода йўлаклар, кутиш майдончаларидаги саранжом-саришталикка дуч келасиз. Ораста йўлаклар ёғ тушса ялагудек қилиб супурилган. Маҳобатли ва муҳташам залдаги гўзалликни кўриб қойил қоласиз. Муҳташам кошона табиий гуллар билан безатилган, рангдор Китоб мармари ётқизилган.

Кейинги 3-4 йил ичида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш юмушлари олиб борилди. Ҳозирги замон шаҳарсозлиги ва қадимий халқ меъморчилигининг ютуқлари уйғунлаштирилиб қурилган улкан кошона олисдан яққол кўзга ташланади.

Вокзалда меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронлар, қариялар ва ёш болали оналар дам оладиган алоҳида хоналар, хизмат кўрсатиш тармоқлари ташкил этилган. Замонавий меҳмонхона, ошхона ва кафе, тиббиёт маскани, тикиш-бичиш цехи ишлаб турибди. Марказий кассаларда ишлаётган ходимларнинг ширин муомаласидан йўловчилар мамнун. Навбатчилар уларнинг поездларга чиқиб олишлари, вагонлардаги бўш ўринларни аниқлаб, чипта харид қилишлари учун ўзларининг тегишли маслаҳатларини аямайдилар.

Темирйўл вокзали касаба уюшма қўмитаси раиси У.Дониевнинг таъкидлашича, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, маъмурият билан тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Мамлакатимизнинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятлари тўғрисида»-ги Қонун талаблари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат шароити, маданий-маиший турмушини яхшилаш, махсус кийим-бош, пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга жиддий аҳамият берилаяпти.

Инсонга эътибор кундалик юмушга айланган. Асосий эътибор йўловчиларни қийналмай ўз манзилларига етиб боришлари учун поездларга чиққунларига қадар уларга барча қулайликларни яратиш, кутиш дақиқаларини мароқли ўтказишлари учун намунали хизмат кўрсатишга қаратилган.

Темирйўл вокзалининг меҳмонлар учун юритиб келинаётган китобини варақласангиз уларда «Ўзтемирйўлйўловчиташиш» ҳиссадорлик жамияти Қарши филиали ходимлари шаънига билдирилган миннатдорчилик сўзларини учратасиз. Маъмурият ва касаба уюшмаси ходимларини ҳуқуқий ҳимоялаш билан бирга кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондиришни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Кам таъминланган оилаларга 300 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали оилаларнинг фарзандлари ёзги таътилда имтиёзли йўлланмалар билан оромгоҳларда дам олдилар. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш одат тусига кирган. Темирйўл соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган, айни вақтда бахтли кексалик гаштини сураётган нафақахўрлар аҳволидан хабар олиб турилибди.

– Кексаларга ҳурмат, ногиронлар ва муҳтожларга кўмак, оналар ва болаларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлаётган раҳбарларимиз фаолиятидан мамнунмиз, – дейди темирйўл тизимида 35 йил ишлаган меҳнат фахрийси Т.Жўраев. – Касаба уюшма қўмитаси фаоллари биз кексаларни доимо йўқлаб, ўз меҳр-мурувватларини дариғ тутмайдилар.

Эзгуликнинг чеку чегараси йўқ. Касабақўм аъзолари яқинда Х.Абдуллаев, М.Аминов, Ф.Шопўлатов каби нафақахўрларнинг хонадонларига бориб, совға-салом топширдилар. Бундай ғамхўрликдан меҳнат фахрийларининг кўнгли тоғдек кўтарилди.

... Кечаси поезддан тушган йўловчи атрофни нурафшон этиб турган электр чироқлари, одамларга сидқидилдан хизмат кўрсатаётган хушмуомала темирйўлчиларни кўриб беҳад қувонади. Қаршининг бош дарвозаси – темирйўл бекати ходимлари жамоаси қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 2700 йиллигига пухта ҳозирлик кўраяпти.

**И.ИСОМУДДИНОВ**




# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қўйилган қуйидаги объектларнинг пасайиш синфи 2005 йил 23 декабрдан ўзгараётганлигини маълум қиламиз.

*1 синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган объектлар*

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳрида жойлашган 39-сонли контейнерли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (39-КАЁҚШ).

Дастлабки бошланғич баҳоси – 51112,0 АҚШ доллари. Савдодаги **бошланғич баҳоси – 23000,40 АҚШ доллари.**

2. Сурхондарё вилояти, Музрабод туманида жойлашган 27-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (27-АЁҚШ)

Дастлабки бошланғич баҳоси – 25969,0 АҚШ доллари. Савдодаги **бошланғич баҳоси – 11686,05 АҚШ доллари.**

**Изоҳ:** АҚШ доллари билан савдоларга чиқарилган АЁҚШлар бўйича тўловлар АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес.Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан РКМБ Тошкент шаҳар филиали маклерияти орқали 2005 йил 23 ноябрдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан савдоларда бошланғич нархи босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги давлат улушлари қўйилмоқда.

*3 синф бўйича, яъни ҳар 15 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган улуш*

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бойкент кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган «AVTOREMUSLUGI» МЧЖ Низом жамғармасидаги 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 145293000 сўм.**

*2 синф бўйича, яъни ҳар 10 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган улуш*

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси 55 «а»-уй манзилида жойлашган «VATAN-BOBURSHOH» МЧЖ Низом жамғармасидаги 25 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси – 41089812 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Телефонлар: 399-80-26, 136-26-26. Факс: 136-06-17 www.rkmb.uz**
**Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар.**
**Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73.**

**Эслатма:** РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.



В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г.

**ИДП «MURUVVAT-TEKS»** раскрывает информацию о намерении приобрести **829 877** штук акций простых именных **ОАО «Гурлан» Хор.обл**. что составляет **88,29 %** от уставного фонда.

Адрес эмитента: Хорезмская область, пос. Гурлан, ул.Мустакиллик, 5



ISHONCH

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.